


«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«DORI - DARMON»  
aksiyadorlik kompaniyasi  
(эмитентнинг номи)



Кузатув кенгаши раиси

Шарахметов Шохрух Шотургунович

(жамият кузатув кенгаши раисининг ёки бошқа ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва имзоси)

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»  
Ўзбекистон Республикаси  
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги  
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)



Директорнинг биринчи ўринбосари

Пак Вячеслав Юрьевич

(рўйхатдан ўтказувчи орган ваколатли шахснинг лавозими, Ф.И.О., имзо)

2024 йил 3 октябрдаги 3 – сонли қарор

2024 йил «22» октябрда 00778-В - сон

М.ў.

«DORI - DARMON» AKSIYADORLIK KOMPANIYASI  
АКЦИЯЛАРНИНГ ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

(эмитентнинг тўлиқ номи кўрсатилади)

Идентификация рақами берилди:

R 4 1 0 8 P 0 7 7 8 T 9

Эгасининг номи ёзилган 4 225 430 (тўрт миллион икки юз йигирма беш минг тўрт юз ўттиз) дона  
номинал қиймати 4 300,00 (тўрт минг уч юз) сўмлик ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар.

(акциялар тури ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал қиймати кўрсатилади)

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади.

(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши саккизинчи чиқарилишдир.

(чиқарилишнинг тартиб рақами)

Тасдиқланган: Эмитент акциядорларининг 2024 йил 3 октябрдаги  
навбатдан ташқари умумий йиғилиши 3 - сонли қарори.

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи кўрсатилади)

Эмитент акциядорларининг 2024 йил 3 октябрдаги  
навбатдан ташқари умумий йиғилиши 3 - сонли қарори.


(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, 100021, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Чорсу кўчаси, 21-уй


Тел.: (+998 71) 281-41-74, электрон почта манзили – office@doridarmon.uz

Эмитентнинг раҳбари:



Салихбаева Умида Саидовна

Бош бухгалтер:




Абдусаломов Илхом Абсаломович

М.ў.

Сана – 2024 йил 3 октябрь

Қимматли қозғалди чиқарилишига доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатган инвестиция маслаҳатчисининг номи – «PREMIUM FINANCE» mas'uliyati cheklangan jamiyati

Инвестиция маслаҳатчиси билан тузилган шартнома рақами ва санаси – 2019 йил 02 февралдаги 2/К19 – сонли шартнома  
Инвестиция маслаҳатчиси раҳбарининг Ф.И.О. ва имзоси – Директор Қодиров Ойбек Ботирович



(имзо)

Сана – 2024 йил 3 октябрь

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли) – оддий акциялар.
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли – ҳужжатсиз.
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм) – 4 300,00 (тўрт минг уч юз) сўм.
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона) – 4 225 430 (тўрт миллион икки юз йигирма беш минг тўрт юз ўттиз) дона.
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм) – 18 169 349 000,00 (ўн саккиз миллиард бир юз олти миш тўққиз миллион уч юз қирқ тўққиз минг) сўм.
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари – Ушбу чиқарилишдаги акциялар Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 26 – 27 – моддалари ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларни беради.

Эмитент оддий акцияларининг эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Эмитентнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- Инвестиция воситачисидаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Эмитент фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Эмитент тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол – мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Эмитентни бошқаришда иштирок этиш;
- Эмитентнинг молия – ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни сўғурта қилиш;
- Эмитент акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Эмитент Устави билан белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар – Эмитент Уставининг 6.7.-бандида, *Компания томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилган.*

Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорда қуйидаги чеклашлар белгиланган:

- 2024 йил 03 октябрь ҳолатига шакллантирилган Эмитент акциядорлари реестрига кирган акциядорлар ушбу чиқарилишдаги акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга;
- Эмитент акциядорлари томонидан акцияларни имтиёзли сотиб олиш муддати тугаганидан сўнг, қолган акциялардан тегишли қисми инвесторга қуйидаги тартибда ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади:

Т/р	Инвесторнинг тўлиқ номи	Жойлаштириладиган оддий акциялар сони (дона)
1	«ИнтерЛек» масъулияти чекланган жамияти (Россия Федерацияси)	3 000 000
	ЖАМИ:	3 000 000 дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм) – Эмитент устав капиталининг миқдори 86 309 600 000,00 (саксон олти миллиард уч юз тўққиз миллион олти юз минг) сўм.
9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади) – Эмитент томонидан илгари 20 072 000 (йигирма миллион етмиш икки минг) дона ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялар жойлаштирилган.
10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади) – Эмитент томонидан илгари облигациялар жойлаштирилмаган.
11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.
- 11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна).  
(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).

Ушбу чиқарилишдаги акциялар Эмитентнинг барча акциядорларига қонунчиликда ўрнатилган тартибда акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқини тақдим этган ҳолда ёпиқ обуна орқали қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари ташкил этилмаган (уюлмаган) бозорида жойлаштирилади.

Эмитент акциядорлари томонидан акцияларни имтиёзли сотиб олиш муддати тугаганидан сўнг, қолган акциялардан тегишли қисми инвесторга қуйидаги тартибда ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади:

№	Инвесторнинг тўлиқ номи	Жойлаштириладиган оддий акциялар сони (дона)
1	«ИнтерЛек» масъулияти чекланган жамияти (Россия Федерацияси)	3 000 000
	ЖАМИ:	3 000 000 дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

*(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби. Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)*

Чиқарилаётган акциялар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 180 кундан кечиктирмасдан жойлаштирилади.

акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг мавжудлиги тўғрисидаги билдиришнома қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартиб ва муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан 11 (ўн биринчи) кун. Бироқ имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати давомида эмитентнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, ушбу аризаларнинг охиригиси эмитентга келиб тушган кундан кейинги иш куни акцияларни жойлаштиришнинг бошлаш санаси ҳисобланади.

акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – Мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб 180 кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби.

*(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар. Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:*

- тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;
- профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;
- ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиригиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.)

Мазкур чиқарилишдаги Эмитентнинг акциялари қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари ташкил этилмаган (уюлмаган) бозорида акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланган акциядорлар ва/ёки инвестор билан бевосита фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади, бунда битимлар хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси томонидан рўйхатга олинади.

Акцияларни жойлаштириш Эмитент томонидан мустақил равишда қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмаган.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳақида маълумот:

Тўлиқ фирма номи – «Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi» aksiyadorlik jamiyati;

Жойлашган жойи ва почта манзил – 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107;

Телефон – (+998 71) 211-09-09.

Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси ҳақида маълумот:

Тўлиқ фирма номи – «PREMIUM FINANCE» mas'uliyati cheklangan jamiyati;

Жойлашган жойи ва почта манзил – 100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107Б;

Телефон – (+998 55) 515-20-00.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

*(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:*

- бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);
- жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;
- жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.)

Эмитент акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2024 йил 03 октябрь ҳолатига шакллантирилган эмитент акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Эмитент акцияларнинг мазкур чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали, ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда олишни таклиф этади.

Эмитент акциядорларида имтиёзли ҳуқуқ мавжудлиги тўғрисидаги билдириш матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқни амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдириш эълон қилинган пайдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Эмитентга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Эмитентга тақдим этилиши керак.

Эмитент имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар акцияларни олиш бўйича имтиёзли ҳуқуққа эга бўлмаган шахсларга жойлаштиришга ҳақли эмас.

Эмитент акциядорлари томонидан акцияларни имтиёзли сотиб олиш муддати тугаганидан сўнг, қолган акциялардан тегишли қисми инвесторга қуйидаги тартибда ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади:

Т/р	Инвесторнинг тўлиқ номи	Жойлаштириладиган оддий акциялар сони (дона)
1	«ИнтерЛек» масъулияти чекланган жамияти (Россия Федерацияси)	3 000 000
	ЖАМИ:	3 000 000 дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

*(Акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади. Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.)*

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш, шу жумладан имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга акциядорлар ўртасида жойлаштириш Жамиятнинг ваколатли бошқаруви органи томонидан белгиланадиган бозор баҳосида, лекин акциялар номинал қийматидан кам бўлмаган нархда жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

*(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда.)*

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топишириш йўлловчиси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;
- баҳоловчи ташкилотнинг профессионал жамоат бирлашмасига аъзолиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами ва берилган сана.)

Мазкур чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга шахслар томонидан акциялар сотиб олинаётганда тўловлар қонунчиликда белгиланган тартибда хорижий валютада амалга оширилиши мумкин.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддатида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Тўловлар жисмоний шахслар томонидан нақд пул ва нақдсиз (пластик карталар), юридик шахслар томонидан пул ўтказиш йўли билан нақдсиз шаклда амалга оширилади.

Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Тўловлар пул ўтказиш йўли билан нақдсиз шаклда Эмитентнинг қуйидаги ҳисобварағига амалга оширилади.

Т/р	Валюта номи	Ҳисобварақлар	Банк реквизитлари
1	Миллий валюта (UZS)	2020 8000 3001 0932 6001	Банк номи – Ўзмиллийбанк «Мирзо – Улуғбек» БХМ Банк коди – 00450, СТИРИ – 200 836 354, SWIFT – NBFAUZ2X, Банк манзили – Тошкент шаҳри, Мирзо – Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 66
2	АҚШ доллари (USD)	2020 8840 6001 0932 6001	
3	Евро (EURO)	2020 8978 0001 0932 6001	
4	Рубль (RUB)	2020 8643 9001 0932 6002	

Инвестор сотиб олинган акциялар учун пул маблағларини Эмитент билан қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари ташкил этилмаган (уюлмаган) бозорида тузилган фуқаролик – ҳуқуқий битимларда кўрсатилган муддатда, лекин акциялар давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан 180 кундан кечиктирмасдан тўлиқ тўлашлари лозим.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби – Акциялар чиқарилиши амалга олмаган ёки ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши қуйидагича амалга оширилади:

Эмитент томонидан ушбу ҳолат тўғрисида қонунчиликда ўрнатилган тартибда муҳим фактлар ҳақидаги маълумот корпоратив ахборот ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)), «Тошкент» Республика фонд биржаси акциядорлик жамиятининг расмий вэб-сайтида ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)) ва Эмитентнинг расмий вэб-сайтида ([www.doridarmon.uz](http://www.doridarmon.uz)) эълон қилинади.

Шунингдек, ушбу чиқарилишдаги акциялар тўловига йўналтирилган маблағлар ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган ёки ҳақиқий эмас деб тан олинган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида Эмитент томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда қайтариб берилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби – Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот (қимматли қоғозларни чиқариш муҳим факти – 25) ва қонунчилик билан белгиланган бошқа маълумотлар, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган муддатда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ахборот-маълумот тизими манзили – [www.doridarmon.uz](http://www.doridarmon.uz), [www.uzse.uz](http://www.uzse.uz) ва [www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)

Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги мазкур қарорнинг асли ва нусхаси билан Ўзбекистон Республикаси, 100021, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Чорсу кўчаси, 21-уй манзили бўйича жойлашган Эмитентнинг маъмурий биносига танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар – Кўзда тутилмаган.

«DORI - DARMON» aksiyadorlik kompaniyasi

6 \_\_\_\_\_ varaqda tikiqilgan va raqamlangan.

Эмитентнинг раҳбари

Салимжонова У.С.

Бош бухгалтер

Абдусаломов И.А.

